

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Г.Олимжонова

Қарши давлат университети тадқиқотчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10065949>

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Божхона органлари фаолияти ва ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, соҳани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумот берилади.

Калит сўзлар. Ўзбекистон Республикаси, Божхона, божхоначи, “Божхона кодекси”.

Божхона органларининг фаолият кўрсатиши Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардан бошланган. 1991 йилнинг сентябрида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича Инспекция» ташкил этилди ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони (25.10.1991. ПФ-284-сон) билан илк бор Божхона қўмитаси ташкил этилган эди [1:23].

Ўтган йиллар давомида, божхона хизмати фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, тадбиркорларга қулайликлар яратиш ва божхона расмийлаштируви тартиб-тамоийилларини жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида, тизимли ислоҳатлар олиб борилди. Жумладан, Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони (12.04.2018. ПФ-5414-сон) қабул қилинди [4].

Мазкур фармон том маънода божхона тизимида тарихий аҳамиятга эга бўлди, деб атасак бўлади. Сабаби, божхона иши тарихида биринчи марта, 26 январь – Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати ходимларининг касб байрами куни деб, эътироф этилди [4].

Ўтган даврларда хизматни ўташ вақтида, мард ўғлонларимиз жонларидан кечиб, муқаддас ватанни ҳимоя қилдилар. Божхона чегараларини, умуман, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш ҳам шарафли, ҳам хатарлидир. Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритган дастлабки йилларида кўшни давлатлардаги мураккаб вазиятлар туфайли давлат чегарасини ҳимоя қилиш, божхона назоратини кучайтириш, гиёҳвандлик моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дорилар контрабандасига қарши кураш олиб бориш долзарб вазифалардан бири эди. Ҳуқуқбузарлар республикадан ёнилғи-мойлаш материаллари, рангли металллар, пахта ва бошқа товар-моддий бойликларни контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетишга уринган эдилар. Ашаддий жиноятчилар билан тенгсиз курашда божхона хизматининг фидойи ходимлари мардларча ҳалок бўлдилар. Булар, Саидакбар Нажимов, Равшан Қодиров, Бурхон Қўчқоров, Ботир Давлатов, Қўлдошбой Рўзибаев, Тўхтамиш Холлиев, Сайдахмад Ташходжаев, Алишер Ҳаққулов, Ойбек Қоматов, Амангелди Кдиров, Шухрат Иноятовлар ана шундай фидойи божхона ходимлари эдилар. Шунингдек, Эркин Жўраев, Тўлқин Усманов, Музаффар Юсупов, Наташа Бадалова, Абдумажид Уватов, Раҳмонқул Мирзаев, Абдулазиз Намозов, Акбаржон Жўраев, Рустам Абдуқаимов, Ақромжон Нишанов, Шадманкулова Дилрабо каби ҳамкасбларимиз бевақт ҳаёт билан видолашдилар. Янги Ўзбекистоннинг божхона органлари сафида шараф билан хизмат қилиб, мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиши, ўз хизмат вазифаларини ўташ пайтида

ҳаётдан кўз юмган божхона ходимларининг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтириш ва номларини абадийлаштириш мақсадида, 2014 йилда марҳум ҳамкасбларимизга бағишлаб Давлат божхона қўмитаси ҳудудида ёдгорлик ўрнатилди [1:44 – 45].

“Товарларни электрон декларация қилиш” интерактив хизмати орқали товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни божхона органларига масофадан туриб электрон тақдим этиш ва расмийлаштириш имконияти йўлга қўйилган. “Электрон декларациялаш” ахборот тизими орқали ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари товарларни электрон декларациялашни амалга оширишмоқда. Электрон шаклда ҳужжатларни тақдим этиш натижасида ҳар йили тадбиркорлар томонидан 60 тн қоғоз иқтисод қилинган. Энг муҳими эса товарларнинг божхона расмийлаштируви ва назорати учун сарфланган вақт қарайиб, 5 мартага қисқарган [3]. Шунингдек, биринчидан, иқтисодий ўсиш учун муқобил шарт-шароитларни яратиш, хусусан халқаро савдони ривожланишига қулай шарт – шароитлар яратилди.

Иккинчидан, давлат чегара ҳудудларида божхона назорати такомиллаштирилди. Ҳар бир Мустақил давлатларнинг иқтисодиёти бевосита тарихий давлат чегараларини дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминланишига боғлиқ. Халқаро савдони нечоғлик ривожлантириш, айнан қўшни мамлакатларнинг манфаатларига мос равишда чегара ҳудудлар билан ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди.

Учинчидан, мамлакат фуқораларининг хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳоли соғлиғини, инсон манфаатларини халқаро даражада муҳофаза қилиш, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа контрафакт товарлардан химоя қилишнинг зарур чоралари кўрилди.

Тўртинчидан, чегара ўтказиш пунктларида, давлат чегара хизматлари билан “Ягона дарча” тамойили асосида интеграциялашуви ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи ягона электрон тизим жорий этилди шунингдек, сертификатлаш тизими тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, давлат божхона хизмати органлари томонидан мувофиқлаштирилди.

Бешинчидан, хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими амалиётга жорий этилиб, товар ва транспорт воситалари учун ҳам божхона назоратида махсус йўлаклар жорий этилди. Жумладан, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб “сарик” ва “қизил” йўлаклар ишга туширилган бўлса, 2019 йил 1 мартдан бошлаб “яшил” ва “кўк” йўлаклар жорий этилди. Ушбу тизимни тўлақонли амалга киритиш орқали “ялпи” божхона назоратини ўтказишдан воз кечган ҳолда, хавф профиллари ёки тасодифий танловлар асосида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати амалга оширилмоқда.

Божхона органлари томонидан фискал вазифаларни амалга оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди; Божхона аудити ва хавфни бошқариш тизимларини амалиётга жорий этиш механизмлари яратилди; Божхона расмийлаштируви жараёнида товарларга тегишли ҳужжатларни тақдим этишнинг соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқилди; Бир товарни икки марта сертификат талаб этишдан воз кечиб, мазкур сертификатларни умумэтироф этилишига эришилди; Божхона расмийлаштирувига тақдим этиладиган ҳужжатлар оптималлаштирилди ва соддалаштирилди; ТИФ иштирокчилари, Божхона юк декларациясининг мақоми ҳамда унинг қайси йўлакка жойлаштирилганлиги тўғрисида реал вақт режимида маълумот олиш имкониятига эга бўлди. Божхона амалиётида хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг самарали

усуллари яратилди ва хавф профиллари доимий такомиллаштириб борилмоқда, натижада божхона расмийлаштирувига сарф бўладиган муддат 50 % га қисқартирилди [5].

References:

1. Ғуломов С. ва бошқ. Божхона иши тарихи: монография. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2015 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-1815-сон фармони
3. 2016 йил 20 январда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Божхона кодекси»
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5414-сон фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.